# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 4-DEKABR, SESHANBA, 143 (8068)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси юзасидан босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилган "Мустаҳкам оила – жамият таянчи" танлови якунига етди. Шу муносабат билан Тошкент Фотосуратлар уйида мазкур танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотларни топшириш маросими ва фотокўргазма ташкил этилди.**



**Бугунги кунда фермерлар юртимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси сифатида аграр соҳани тараққий эттиришда ҳал қилувчи кучга айланди. Шунингдек, қишлоқ жойларда транспорт-коммуникация, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ҳам уларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.**



**Боланинг қобилиятини ўз вақтида англаб, тўғри йўналтира олиш унинг келажагини белгилаш билан баробар. Шу боис, кўпгина ота-оналар фарзандини турли тўгарак машғулотларига беришга ҳаракат қилишади. Ҳар бир бола ўз ижодига атрофдагиларнинг муносабатини кутади. Ҳа, фақатгина эътибор истеъдодни учқунлантиради.**


САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА


## Куннинг муҳим воқеалари

▶ Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Исроилнинг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида даволовчи жисмоний тарбия биноси очилди.

▶ **Самарқанд шаҳрида вилоят адлия бошқармаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ва нотариал идораларнинг марказлашган архиви янги биноси фойдаланишга топширилди.**

▶ Нукусда фермерлар учун қишлоқ хўжалиги техника ва механизмларининг кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 20 га яқин турдаги қишлоқ хўжалик техникалари намойиш этилди. Кўргазма-ярмарка давомида техника ва механизмларни сотиб олиш бўйича қирққа яқин шартнома имзоланди.

▶ **Навоий шаҳрида вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг замонавий янги биноси фойдаланишга топширилди. Энг замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозланган уч қаватли муассасада хавфли юқумли касалликларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш учун барча шароитлар яратилди.**

▶ "Йил аёли" миллий танловининг Сурхондарё вилояти босқичида Денов туманидаги 79-умумтаълим мактаби директори Маҳбуба Норқобилова танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.




# ЁШЛАРГА ҚАНОТ БАҒИШЛАБ

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаб вояга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.**

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"-ги Қарори асосида республикамизнинг чекка туман ва қишлоқларида ҳам болалар бадиий ижодиёти масканлари бунёд этиляпти.

— Юртбошимизга раҳмат, уларнинг ташаббуслари билан бугун ўқувчиларимиз янги бинода мусиқа сирларини қунт билан ўрганишяпти, — дейди Чиноз тумани 14-сон болалар мусиқа ва санъати мактаби директори Азиза Полвонова. — 2011 йилнинг ноябрь ойида Давлат дастури асосида бунёд этилган ҳамда замонавий мусиқа асбоблари билан жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтдик. Ҳозирда мактабимизда 445 нафар ёш мусиқа ва санъатнинг 13 йўналиши бўйича билимларини оширмоқда.

Истеъдодли болаларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, қобилиятини намоён этишга яқиндан кўмаклашишда "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалининг аҳамияти катта бўляпти.

"Янги авлод — 2011" республика болалар ижодиёти фестивалида ушбу мусиқа мактабининг ўқувчиси Шерали Холматов доира чалиш йўналиши бўйича ғолиб бўлган бўлса, Шаҳзода Муҳаммаджонова эстрада қўшиқчилиги йўналишида фестиваль дипломи билан тақдирланди.



Республикамизда ҳар йили ёш ижрочилар танлови ўтказиб келинади. Ушбу танловнинг 2011 йилги босқичида ҳам мусиқа мактаби ўқувчиси Шерали Холматов доира-бас йўналишида ғолиб бўлди.

Туманда истеъдодли ёшларнинг етишиб чиқишида, уларда мусиқа ва санъатга бўлган қизиқишларини оширишда болалар мусиқа ва санъати мактабининг бир гуруҳ устоз ва мураббийлари фидойилик кўрсатишяпти.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДҲГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2012 йил 5 декабрь куни Ашхобод шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (МДҲ) аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

# ФУҚАРОЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ОАВНИНГ ЎРНИ

**Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганлигига, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлигига боғлиқдир. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири – жамиятда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни оширишдан иборат.**

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик фаоллигини оширишда матбуотнинг роли ва аҳамияти" мавзуида ўтказилган анжуманда шу каби масалаларга тўхталиб ўтилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вакиллари, олий ўқув юрти талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, фикрлар хилма-хиллиги, сўз эркинлигини таъминлаш, одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ ифода эта олиши учун имкониятлар яратиш, бу йўлдаги барча тўсиқларга барҳам бериш, эски қарашлар ва бир хил фикрлашдан воз кечишдан иборат вазифаларни ҳал этишда мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Бугунги глобаллашув жараёнларида оммавий ахборот воситалари зиммасига жиддий масъулият юкланган. Улар, биринчи навбатда, ҳаётни, мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларни холис ва ҳар томонлама акс эттириши, юзага келаётган муаммоларни дадил кўтариб чиқиши, шу тариқа уларни ҳал этишга кўмаклашиши лозим. Қолаверса, босма ва электрон нашрлар давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш билан бирга фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиши лозим.

Баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Зулфия АҲМЕДОВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# МАҲАЛЛА – ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

**Самарқанд шаҳрида «Оила институтини мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли» мавзуида халқаро илмий-амалий давра суҳбати бўлиб ўтди. Анжуман Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан Япониянинг Цукуба ва Васеда университетлари билан ҳамкорликда ташкил қилинди.**

Тадбирда Япония, Жанубий Корея, Германия, Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Россия ва Франциядан олимлар ҳамда экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимизнинг давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирок этди.

Халқаро давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистонда жамиятнинг асоси бўлган оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, соғлом оилани шакллантириш бўйича мақсадли вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда маҳалланинг ролини янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган тизимли ва изчил чора-тадбирлар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида белгиланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган вазифаларнинг амалга оширилиши, шунингдек, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Экспертлар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат қуриш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини босқичма-босқич ва изчил модернизация қилиш ҳамда янгилаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий мақоми алоҳида белгилаб қўйилган бўлиб, унинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга экани қайд этилган. Зеро, оила фарзандларни тарбиялаш, одамларнинг маънавий ва жисмоний камолотига хизмат қилиш, уларни ягона мақсад йўлида бирлаштириш, иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш вазифалари учун ҳам масъулдир.

Тулуза университети профессори Мишель Салинаснинг (Франция) сўзларига кўра, Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан демократик давлатни босқичма-босқич ривожлантиришнинг ўзига хос йўлини танлади. Мамлакатда кўрилаётган чора-тадбирлар тарихий-маданий анъаналар, қадриятлар ва халқ менталитетини ҳисобга олган ҳолда демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилган. "Биз, Ўзбекистон чинакам фуқаролик жамияти барпо этаётганига гувоҳ бўлдик", деди у.

"Ўзбекистон фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида изчил ривожланиб бормоқда, – деди Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиёни ўрганиш институти катта илмий ходими Фэн Юймин. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу йўналишдаги ишларнинг мақсад-вазифалари, мазмун-моҳияти белгилаб берилган. Унинг асосида Ўзбекистонда мустаҳкам, халқаро нормаларга мос қонунчилик базаси яратилган бўлиб, бу асос нафақат давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, нодавлат ташкилотлари, бошқа фуқаролик институтларининг эркин фаолият кўрсатиши учун барча имкониятларни яратади".

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда оилага узоқ асрлик шаклланиш босқичларини босиб ўтган қадриятлар хазинаси, Ватан ичидаги мўъжаз Ватан сифатида қаралишини, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир, деган қатъий ишонч қарор топганини таъкидладилар. Оилавий муносабатларни ота-онага юксак эҳтиром, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, фарзандлар тарбияси, одоб-ахлоқ, садоқат, покизалик сингари инсоний фазилатлар негизида қуриш мазкур қадриятлар асосини ташкил этади. Ота-онанинг фарзандлар тақдири учун масъулияти, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари теран тартибга эга.

Шу боис оила институтини мустаҳкамлаш, унинг баркамол ривожланиши учун ташкилий-ҳуқуқий асосларни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан этиб белгиланган. Бу борадаги эзгу ғоялар давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кенг жамоатчилик ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг мазкур йўналишдаги самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун мустаҳкам норматив базани шакллантирган Оила кодекси ҳамда мамлакатимизнинг бошқа ўнлаб қонунларида ўз ифодасини топди ҳамда ривожлантирилди.

Экспертлар Ўзбекистон аҳолиси учун оила энг муҳим ҳаётий қадрият ва баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омили бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидладилар. Ҳар томонлама уйғун ривожланишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини изчил мустаҳкамлаш, оила, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, жисмонан соғлом, маънавий етук баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини кучайтириш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун яхши намуна бўлиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари оилани ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратаётгани ва самарали оила сиёсатининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани натижасида истиқлол йилларида оилаларнинг моддий аҳволи ҳамда ҳаёт сифати изчил яхшиланиб бормоқда, уларнинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари мустаҳкамланмоқда.

Сеул шаҳри мэриясининг хотин-қизлар ва оила масалалари бошқармаси директори Ю Ён Сукнинг (Жанубий Корея) таъкидлашича, ўтмиш гўзаллиги ва қадриятлари ҳамда замонавийлик тенденцияларини ўзида мужассам этган Самарқанд мисолида ўзбек халқи ўзининг тарихий фахри бўлган обидаларни асраб-авайлаётгани, ёдгорликларни қайта тиклаётгани, умуман, ўз тарихига нақадар юксак ҳурмат билан муносабатда бўлаётганини яққол кўриш мумкин. Буларнинг барчаси одамлар қалбида ўз аждодлари билан фахрланиш, ўтмишни эъзозлаш ва ҳурмат қилиш туйғуси кучли эканидан далолатдир. "Ўз тарихини эъзозлайдиган, жамият таянчи бўлмиш оилани асраб-авайлайдиган халқнинг келажаги буюкдир. Зеро, тарихини билмайдиган ва миллий қадриятларини ҳурмат қилмайдиган халқнинг келажаги бўлмайди", деб таъкидлади у.


**(Давоми 2-саҳифада)**


### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2012 йил 5 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2012 йил 4 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

# ИЖОДКОР БОЛАЖОНЛАР ТУҲФАСИ

**Боланинг қобилиятини ўз вақтида англаб, тўғри йўналтира олиш унинг келажагини белгилаш билан баробар. Шу боис, кўпгина ота-оналар фарзандини турли тўгарак машғулотларига беришга ҳаракат қилишади. Ҳар бир бола ўзи яратган, ижод қилган ишига атрофдагиларнинг муносабатини кутади. Ҳа, эътибор, фақатгина эътибор истеъдодни учқунлантиради.**



Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида болажонларга ўз орзу-хаёллари акс этган ижод намуналарини нафақат тўгарак хоналарида балки, йирик кўргазма залларида ҳам намойиш этиш имконияти яратилганки, бу омил болажонларнинг қалбига бир олам қувонч бағишламоқда. Жумладан, "Улкан ютуқлар одими" тўгараги аъзоларининг ижоди асосида анъанавий кўргазмалар ташкил этилмоқда. Бирон сана муносабати билан, масалан, 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ҳамда Мустақиллик шодиёналари арафасида ўтказилган кўргазмаларда болажонлар ўз ижод намуналарини намойиш этди, улар ижросида рақс ва қўшиқлардан иборат концерт дастури ташкил этилди. "Мустаҳкам оила йили"га бағишлаб ўтказилган "Менинг уйимда байрам" номли кўргазма-концерти ҳам ҳақиқий байрамга айланди.

Мазкур тўгаракда 6-12 ва 12-17 ёшгача бўлган гуруҳларда 50 нафар бола Нигора Шарофхўжаевадан рангтасвир, батик, витраж, мозаика ҳамда қўғирчоқ ясаш сирларини ўрганишади. Машғулот қатнашчилари учун хорижлик меҳмонлар иштирокида ўқув-машғулотлари ташкил этилади. Хусусан, яқинда япониялик рассом томонидан оригами (рангли қоғоздан клей ва бўёқларсиз буюм ясаш) ва икебана бўйича ўтказилган мастер-класс болаларда катта таассурот уйғотди. Улар Япония санъати ва маданияти ҳақида маълумотларга эга бўлишди. Таассуротларини расмларда ифода этишди.

Ёшлар ижод саройида ҳам ёш ижодкорларнинг кўргазмалари тез-тез намойиш этиб турилади. "Менинг оилам" номли кўргазмада Ҳамза туманидаги 7-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, "Баркамол авлод" болалар марказлари, "Янги авлод" форуми, студиялар, шунингдек, мактаблар қошидаги тўгарак аъзолари рангтасвир асарлари, кулолчилик буюмлари, ҳайкалчалар ва юмшоқ ўйинчоқлар билан иштирок этишди. Бу ерда "Тасвирий санъат" ва "Овоза" студиялари, "Марварид" театр-рақс ансамбллари фаолият юритади. "Тасвирий санъат" тўгараги аъзоларининг намунали ишлари бир йилда икки марта ўтказиладиган кўргазмада намойиш этилади.

– Ҳар бир бола тасвирий ёки амалий санъат асарларида ўз тасаввури, ғояларини акс эттиради, – дейди Ёшлар ижод саройи кўчма кўргазмалар мудираси, санъатшунос Севара Юлдошева. – Болаларнинг ижод намунаси катта кўргазма залларида намойиш этилаётгани, уларга янада куч-ғайрат бағишламоқда.

**Моҳичехра ЛАТИПОВА**





○ Реклама ва эълонлар













СП ООО "STERLING MEDICAL GROUP", сообщает об уменьшении Уставного фонда с 234 500 долларов США до 48 910 долларов США (5 644 215,36 сум) и смене фирменного наименования на ООО "CRYSTAL MEDICAL GROUP". Претензии принимаются в течение 1 месяца с момента опубликования объявления по адресу: г. Ташкент Алмазарский р-н ул. Зиё д. 12.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан "SILVER GAZ GROUP" МЧЖ номига 04.10.2012 й.да берилган № 5718 сонли (форма 18) маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"AYLIN-SERVIS" МЧЖнинг (ИНН 301413347) Устав фонди 169 310 000 сўмдан 84 810 000 сўм миқдоригача камайтирилади. Манзил: Тошкент ш. Миробод т. Ойбек кўч. 40-уй.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент вил. Зангиота т. бўлими инспектори Санжар Хакимжанович Салахидиновга 17.12.2010 й.да берилган 0836-ДБЎ-серияли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. Шодлик кўч. 13-уй учун Каримбеков Турабек Тухтабекович номига берилган уй-жой кадастри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Тел.: 272-14-53.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 000504-07, 27.01.2005 й.) рўйхатга олинган Ҳамза т. Фарғона йўли кўч. 31 "А"-уй манзилида жойлашган "XOLBOY OTA SAVDO" ХКнинг (СТИР 205352559) ҳужжатлар тўплами, печать ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "ALP BUILDER" М.Улугбекского р-на, сообщает об уменьшении Уставного фонда с 242 867 258 сум до 24 000 000 сум.

"PERFECT TEXTILE" МЧЖ Устав фонди 164 568 000 сўмдан 135 356 500 сўмга камайтирилганини маълум қилади. Эътирозлар учун манзил: Тошкент ш. Яккасарой т. Бобур кўч. 73 А уй.

Утерянный план и документы квартиры, расположенной по адресу: Чиланзар-16, 19, 2, выданный Чиланзарским БТИ на имя Гайбуллаевой Масуды, считать недействительным.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: Мирабадский р-н м-в Куйлюк-4, 1, 29, выданный Мирабадским БТИ на имя Умаровой Мафрат Валиевны, считать недействительным.


Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа даҳлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОКОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-1214, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 00.10 15014 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5